



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)
мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2023 йил–10 июнь

Бухоро - 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛАРИ

2023 йил – 10 июнь

Бухоро - 2023

~ 2 ~

1. Абӯбакр Муҳаммад ибн Чаъфар Наршаҳӣ. Таърихи Бухоро //Подготовитель издания, введения, примечаний, словаря, и приложений Н. Касымов, Отв. ред. А. Мухтаров. – Душанбе: Дониш, 1979.
2. Абӯрайҳон Берунӣ. Осор-ул-боқия. //Ба чоп тайёркунандагон А. Девонакулов, М. Исо, О. Ҳамид, М. Бақо. – Мухаррири масъул М. Диноршоев, А. Деванкулов. – Душанбе: Ирфон, 1990.
3. Гафуров А. Имя и история. Об именах арабов, персов, таджиков и тюрков. Словарь. - Москва: Наука, 1987
4. Ибни Хурдодбеҳ. Ал-масолик ва-л-мамолик//Сомониён дар оинаи таърих. Ҷ 2. Хучанд: Раҳим Ёалил, 1998.
5. Толстов С.П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М.: Издание МГУ, 1948.
6. Хромов А.Л. Об арабской топонимии на территории Средней Азии// Ономастика Средней Азии.-Фрунзе: Илим, 1980.

БУХОРО ВОҲАСИ БРОНЗА ДАВРИ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИ

Очилов Алишер Тўлис ўғли – т.ф.ф.д.(PhD)

Ўрта Осиёда бронза даври мил. авв. III минг йилликдан, мил. авв. I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Айнан бронза даврида Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида деҳқончилик кишлуклари ўрнида шаклланган илк шаҳар марказлари ҳар томонлама ривожланиб, уларнинг савдо-иқтисодий, маданий-ғоявий ва маъмурий марказ сифатидаги аҳамияти ортиб борди. Бу даврда чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, яъни дастлабки меҳнат тақсмоти содир бўлди.

Бронза даври тарихда металлга ишлов беришнинг янги босқичи вужудга келгани ва металлургия соҳасининг тараққий этиши билан ҳарактерланади. Бу эса ҳунармандчилик ривожланишида муҳим ижобий ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви чуқурлашиб, савдо-сотик муносабатлари ривожланди. Жамиятда мулкӣ табақаланиш ва ижтимоий тенгсизлик вужудга кела бошлади.

Металлдан ишланган қуроллар қадимги иқтисодий-ижтимоий тараққиётни тезлаштиргани боис Ўрта Осиё чўлларида яшаган қабилалар бошқа аҳолидан ажралиб чиқди ва асосан чорвачилик билан машғул бўлади. Бунинг ёрқин далилини Зарафшоннинг қуйи минтақасидаги Бухоро воҳаси бронза даври маданиятлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бухоро воҳаси ҳудуди бронза даврида табиий-географик нуқтаи назардан деҳқончилик ва чорвачилик қилиш учун қулай ҳудудлар ҳисобланар эди. Лекин, милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларига келиб Зарафшон дарёсининг сувлари унинг қуйи қисмига бориб кескин камайиб¹⁵⁵, Бухоро воҳасида кам сувлик вужудга кела бошлайди. Натижада милоддан аввалги 3-мингйиллик ўрталарига келиб қурур ҳудудлар аҳолиси тўлиқ чорвачилик ва дарё этақларида истиқомат қилувчи аҳоли эса лиман деҳқончилик билан кун кечиришади¹⁵⁶. Овчилик ва балиқчилик Қуйи


¹⁵⁵ Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро.-Тошкент, 1991.-Б.22.

¹⁵⁶ Аскарров А.А. Бухоронинг ибтидоий тарихидан лавҳалар.-Тошкент: “Фан”, 1973.-Б.17.

Зарафшонда истиқомат қилувчи аҳолига қўшимча иккинчи даражали хўжаликка айланади¹⁵⁷.

Бухоро воҳасининг бронза даври маданиятлари асосан Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларида яхши кечганлигини археологик маълумотлардан билишимиз мумкин.

Архтефактларни маълум қилишича бронза даври Бухоро воҳасида Андроново-Тозабог'ёб маданияти мансуб ёдгорликлар кенг тарқаган. Масалан, Қизилқир I, Қизилқир II, Гужайли, Катта Тузкон, Кичик Тузконлари, Мохонкўл ва бошқа жойлардан топилган бронза даврига мансуб қабрлар ва манзиллардан чиққан жез ва металл бўлақлари, ташқарисига бошоқсимон ботирма нақшлар тортилган бутун сопол идишлар топилмалари фикримизни исботлайди¹⁵⁸. Зарафшоннинг қуйи оқими етакларидан, Варахша атрофларидан топилган бронза даврига мансуб болта, пичоқ, камон ўқининг жез пайконлари(1-расм)¹⁸⁰ ва башқалар Бухоро воҳаси бронза даври аҳолиси маданиятидан далолат беради.



1-расм

Бухоро воҳаси бронза даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлар яхши қўринадиган манзил Замонбобо ҳисобланади. Замонбобо Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказидан 15 км шимоли-ғарбда Замонбобо қўли атрофида жойлашган қадимги маданият ҳисобланади. Замонбобо маданияти макон ва қабристон қисмларидан иборат.

Замонбобо қабристонидан билиб олишимиз мумкинки, замонбоболикларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошқа халқларнинг ҳам ўрни беқиёс ҳисобланган. Бу ердан 46 та қабр топиб ўрганилган. Қабрлар лахат шаклида бўлиб, майитларнинг оёқ қўллари букулиб, эмбрион шаклида чап ва ўнг томонга ёнбошлатиб қўмилганлигини кўршимиз мумкин. Скелетларнинг боши шарққа, шимолий– шарққа, баъзан шимолий-ғарбга қаратилган. Қабрларга асосан бир киши қўмилган, икки кишилик, баъзан қайта қўмилган мазорлар ҳам учрайди. Ҳар бир қабрда, асосан скелетнинг бош томонига битта-иккитадан идишлар учрайди.

Мурдалар кузатув буюмлар билан қўмилганлиги замонбобликлар ўлимга ишонишмай, инсон абадий уйқуга кетди ва нариги дунёда ҳаёт бор деб тасаввур қилишганлигидан далолат беради. Эрақ кишилар қабрларида кўпроқ қурол аслаҳалар учраса, аёллар қабрида турли хил рангдаги қимматбаҳо тошлардан, мунчоқлар, мис ойна, ярим ойсимон мис пичоқ ва бошқа шу каби буюмлар учрайди. Бундан билишимиз мумкинки, замонбоболиклар ижтимоий ҳаётида аёлларнинг (оналарнинг) роли юқори бўлган. Бунинг яна бир исботи сифатида Замонбобо қабристонининг 2 қабридан топилган узунлиги 15 см, белининг кенглиги 4 см, қизил бўёқ билан бўялган ягона она

¹⁵⁷ Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро.-Тошкент: “Фан”,1991.-Б.23.

¹⁵⁸ Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытняя культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. –Тошкент,1966. С.187-207. ¹⁸⁰ Шишкин В.А. Варахша.-Москва,1963.-С.20.

хайкалининг схематик рамзий нусхасини кўрсатиш мумкин. Бундай теракоталар Намозгоҳ 5, Шахтепанинг охирги қатламларидан, Ҳисортепа 3 ва Аноу ёдгорликларидан ҳам топилган. Бу еса ўша давр аҳолиси бошқа халқлар билан қизгин ижтимоий-иқтисодий алоқалар қилиганлигидан далолат беради.

Замонбобо манзилгоҳи Замонбобо кўлидан 500 метр шарқда, Гужайли дарёсининг эски ўзани ёқасида жойлашган. Умумий майдони 0,10 га. Унинг марказий қисмида 170 м² бўлган ертўла типдаги бир кулба, 2 та чайла қолдиқлари ва кулолилик хумдонлари сақланиб қолган ¹⁵⁹. Ер тўланинг узунлиги 23,5 метр кенлиги 9 метрдан кўпроқ, чуқурлиги 1 метрга яқин. Манзилгоҳ майдонининг шимолий-шарқий бурчагидан топилган материаллар ўз характерига кўра, калтаминор маданиятининг энг сўнгги босқичига тегишли эканлиги аниқланди ва унинг керамикаси лойини таркиби ва тухумсимон сополлар шакли Замонбобо қабристониинг энг қадимги мазорлари керамикасини эслатар эди ¹⁶⁰.

Замонбобо сополларини талил қилиб айтишимиз мумкинки, замонбобликлар чўл ҳудуди аҳолиси ўртасида биринчи бўлиб кулолчиликда чархидан фойланган ¹⁶¹. Сополлар орасидаги аксариятига қизғиш рангда қуёш рамзи тушурилганлигини ҳам учратишимиз мумкин. Бундай сополлар Замонбобо қабристони ва манзилгоҳида ҳам учрайди. Мана шу типдаги сопол идишларнинг учраши замонбоболиклар рухий оламининг оташпарастлик билан боғлиқ баъзи бир элементларини рамзий кўринишидир ¹⁶². Сопол бўлаклари шаклан тухумсимон, нақшсиз, таги сфераконуссимон бўлиб, идиш профили қалинроқ, лойининг таркиби ғалвирак, усти қизғиш рангда, кул қоришмали бўлиб, бундай шакли ва рангли идишлар Замонбобо керамикаси хос хусусиятлардир.

Бухоро воҳасининг бронза даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётини очиб беришда Замонбобонинг металлургия соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Замонбоболиклар бронза давридаёқ металлургия соҳасида ўз ўрнига эга аҳоли ҳисобланган. Буни қабрлардан топилган турли хил идишлар, оз қисми сақланиб қолган пичоқ парчаси, ўқлар, зебу зийнат буюмлари, баъзи қуроллар, ҳатто жездан ясалган ойна каби буюмлардан ҳам билишимиз мумкин. Манбаларда қайд этилишича Замонбобога Қизилқум тоғларида металлургия соҳасини яхши ўзлаштирган бир гуруҳ аҳоли кўчиб келган ва милoddан аввалги III мингйилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб замонбоболиклар метал билан танишишган.

Замонбоболиклар металлга ишлов беришнинг архаик технологиясидан фойдаланишган бўлиб, метал буюмлар артефактлар ичида етарлича ҳисобланади. Замонбобонинг металлургия соҳасини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг бошқа халқлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқалари фаол кечганлигини кўришимиз мумкин. Замонбободан топилган мунчоқ Бадахшон лазуритидан ишланганлиги, қабрлардан топилган пичоқ Батендан, айлана шаклдаги узунлиги 7 смлик ойна Теппа Ҳисор III дан ҳам топилганлиги ¹⁶³, мисдан ишланган игна ва бронзадан ишланган қармоқ учи,

¹⁵⁹ Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. Б.19-20.

¹⁶⁰ Джуракулова Д. М. “Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилалари маданияти”.Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Самарқанд,2009.-С.69-70.

¹⁶¹ Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. Б.21.

¹⁶² Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана.-Ташкент,1966.-Табл.VII, рис.3.

¹⁶³ Schmidt E. Schmidt .ExcavationsatTepe-Hissar,Damgan,Philadelphia,1937, табл.LIV,Н3192.

кумушдан ишланган турубка, олтиндан ишланган слиндирсимон мунчок, металдан ишланган кичик лапоткалар ва шунга ўхшаш металлар Шохтепа 2¹⁶⁴, Ҳисор 3¹⁶⁵ ва Жанубий Туркменистондаги (Қоратепа) бошқа ёдгорликлардан ҳам топилганлиги¹⁹⁵ фикримизни тасдиқлайди. Қолаверса, Замонбобо маданияти аҳолисининг металлни ўзлаштириши ва унга ишлов бериши Қуйи Зарафшон қабилалари хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошишига ва муҳим ўзгаришларга олиб келди.

Замонбобо қабристони ва манзилгоҳидан топилган топилмалар бир даврга таалуқли бўлиб, бир уруғ жамоасининг моддий ва маънавий мероси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкинки, Замонбобо Бухоро воҳасининг бронза даври ижтимоий-иқтисодий муносабатларини очиб берувчи муҳум маданият ҳисобланади. Бу ердан топиб ўрганилган қабрлар, сопол идишлари, меҳнат куроллари ва металл буюмлари бронза даврида бошқа халқлар билан қизғин ижтимоий-иқтисодий алоқада бўлганлигини яққол кўрсатиб беради. Қолаверса, Замонбобо маданияти ва унинг хусусиятларини чуқур ўрганиш Бухоро воҳасининг бронза даври тарихини аниқ ва равшан ёритишда ҳамда тарихий реконструкция қилишга хизмат қилади.

РОМИТАН ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

*Раимқулов А.А.
Самарқанд, Ўзбекистон*

Қўрғон Ромитан Бухоро воҳасининг энг йирик археологик ёдгорликларидан бири бўлиб, у арк–қуҳандиз, иккита шаҳристон ва рабоддан иборат. У йирик ўрта асрлар даврида фаолият кўрсатган Ромитан шаҳрининг (қишлоғининг) бизнинг кунларгача етиб келган харобаларидир. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда шаҳар ғарбий Суғднинг энг йирик аҳоли манзилларидан бири сифатида, айрим манбаларда шаҳар сифатида, бошқа манбаларда эса қишлоқ сифатида тилга олинади. IX-XI асрлар оид араб ва форс тилида битилган манбаларда унинг номи турлича талқин қилинади, масалан ан-Наршахий ва ан-Нишабурий асарларида Рамтин, ал-Истаҳрийда Рамисана, ал-Муқаддасийда Арйамисан, ас-Самъонийда Рамисан, Армисана, Ёкут ал-Ҳамавийда Замисан, Замисана ва ҳ. (Камалиддинов, 1993, с.68). Мана шундай номлар билан шаҳар ёнидан оқиб ўтган йирик қадимий ариқ ҳам аталган. Бу ариқ кейинги асрларда ўзининг номини Ромитанруд сифатида сақлаб қолган. Ромитанруд Вобкентдарёда чиқарилган энг асосий сув манбаларидан бири сифатида Ромитан шаҳри ва унинг атрофларидаги қадимий қишлоқлар аҳолисининг боғ-роғлари ва экин майдонларини суғорган.

Ромитан Бухоро воҳасининг йирик шаҳарларидан бири бўлганлиги боис унинг пайдо бўлиши тарихи қадимдаёқ тарихчиларни қизиқтирган ва бу шаҳарнинг шаклланиши хусусида турлича маълумотлар, ривоятлар сақланиб қолган. Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро Тарихи” (X аср) асарида бу қадимги шаҳар тўғрисида воҳанинг биринчи пойтахти ва Бухородан ҳам қадимийроқ, деган иборалар келтирилган. Муҳаммад Наршахийнинг маълумотига кўра Ромитан шаҳри даставвал Бухоро номи билан ҳам юритилган ва бу шаҳар Бухоро ҳукмдорларининг бош қароргоҳларидан бири

¹⁶⁴ Arne T. I. Excavations at Ahah-tepe, Iran, Stockholm, 1945. рис. 646 а-с. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент. 1966. С.159.

¹⁶⁵ Schmidt E. Schmidt. Excavations at Tepe-Hissar, Dangan, Philadelphia, 1937., табл. LII, H3562; LV, H2778. ¹⁹⁵ Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент. 1966. С.158-162.

МУНДАРИЖА

МУСАҲҲИХ	АННОТАЦИЯ	
ҲАМИДОВ Обиджон Хафизович	СЎЗБОШИ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БУХОРОИ ШАРИФ – ИЛМ-ФАН МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ	3
Темиров Фаррух Умедович	БУХОРО – ЖАҲОН ТАМАДДУНИ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ САРЧАШМАСИ	7
1-ШЎБА. БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ, ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ		
ҲАЙИТОВ Шодмон Ахмадович	БУХОРО ВА НАВОИЙ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ ПРОФЕССОР С.И.ИНОЯТОВ ТАДҚИҚОТЛАРИ КЎЗГУСИДА	18
Қахрамон РАЖАБОВ Сулаймон ИНОЯТОВ	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАСИ (МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ) РАИСИ (1924 ЙИЛ НОЯБРЬ – 1925 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ)	21
Аббосхон Ҳамзаевич АБДУЛЛАЕВ	“ТАРИХИ ЯМИНИЙ” ШАРҲИ	32
Отабек Бахриев АМАНИЛЛАЕВИЧ	ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ – “САҲИҲУЛИ БУХОРИЙ”	35
А.АБДУЛЛАЕВ Н.Б.МАХМУДОВА	АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	37
Pirnazar Sardor o'g'li RAJABOV	XI ASR BIRINCHI CHORAGIDA BUXORODAGI IJTIMOY- SIYOSIY JARAYONLARDA SALJUQIYLARNING O'RNI	42
Baxtishod Baxridin o'g'li UMAROV	ARAB MANBALARIDA BUXORO SHAHRI TAVSIFI (“KITOB AL-MASOLIK VAL-MAMALIK” MISOLIDA)	45
Jahongir Davlatovich OSTONOV	BUXORO VOHASINI O'RGANISH FRANSIYA- O'ZBEKISTON ARXEOLOGIK MISSIYASI HAQIDA	47
UTAYEVA Feruza Xolmamatovna QURBONOVA Dilnora Nuriddin qizi	IBN SINO ILMIY MEROSINING JAHON SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI	50
Абдусалом Рауфович АЮБОВ ВАХОБОВА Гулджахон Кахрамоновна	НАЗВАНИЕ БУХАРЫ В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ	52
ЗИЁВИДДИНЗОДА Зулолиддин ПРИМОВ Мухсин	АЗ ТАЪРИХИ РУШДИ МАТЕМАТИКА ДАР ОСИЁИ МАРКАЗИЙ	55
МУХАМЕДЖАНОВА Л. П. НОСИРОВ А.Ж.	ИСМАИЛ ИБН ХАСАН ДЖУРДЖАНИ - ВЕЛИКИЙ УЧЕНЫЙ ВОСТОКА	62
ОЛИМОВ Дилшодчон Рўзиевич	АНТРОПОНИМИКАИ БУХОРО ДАР АСАРИ «ТАЪРИХИ БУХОРО»-И АБЎБАКРИ НАРШАХИЙ	66
ОЧИЛОВ Алишер Тўлис ўғли	БУХОРО ВОҲАСИ БРОНЗА ДАВРИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИ	71
РАИМҚУЛОВ А.А.	РОМИТАН ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА	74
СОДИҚОВ Сомон Раҳимқулович	ИНЪИКОСИ БА САРИ ТАХТ ОМАДАНИ АМИР АБДУЛАҲАДХОН ДАР САРЧАШМАҲОИ ТАЪРИХИЙ ВА АДАБИЁТҲОИ ИЛМИЙ	81
Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ	СУҒДДА СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ	85
РАЈАВОВ Oybek Iskandarovich	ХОЈА УВВОН IBN USMON IBN AFFON ZIYORATGONI	90
Хуршид ҚУРБОНОВ	ҚЎҲНА ТАРИХИМИЗНИНГ БЕБАҲО “ШОҲ САРОЙИ”	92